

Журиал Ўзбекистон Республикаси ОАК
 Раёсатининг 2017 йил 28 декабрдаги
 247/6-сонли қарори билан тасдиқланган
 бўйича илмий журиаллар рўйхати тақдир этилган.



AGRO

197150DIYOT | 2013

3

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

- 3 **Н.ХУШМАТОВ**
Дунёнинг йирик мамлакатларида ёнғоқ етиштириш ва савдоси ўзгариши тенденциялари
- 7 **Қ.ЧОРИЕВ, В.ТЎХЛИЕВ**
Қишлоқ хўжалигида инновацион-инвестицион фаолиятни молиялаш манбалари ва муаммоларини ҳал этишнинг методологик асослари
- 12 **Р.ДУСМУРАТОВ, А.АЙТЫМБЕТОВ**
Қорақалпоғистон Республикаси табиий қўлларида балиқ етиштиришни ривожлантириш
- 15 **Ф.НАЗАРОВА, Х.ХУРРАМОВА, А.НАЗАРОВ**
Ўзбекистон мева-сабзавотчилик тармоғида самарали агрокластерларни шакллантириш масалалари
- 18 **Б.СУЛТАНОВ**
Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифат жиҳатдан ўзгариш тенденциялари
- 22 **А.АЛТИЕВ, Ю.УСМАНОВ, А.ПАРДАБОЕВ**
Дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш
- 26 **М.ЛИ**
Эколого-экономическая роль водных ресурсов в повышении конкурентного потенциала регионов
- 30 **А.МУХТОРОВ, Г.АБДУЛХАЕВА**
Тоғ ва тоғолди ҳудудларда мойли экинлар етиштирилаётган майдонларни оптималлаштириш
- 34 **А.БАХРИДДИНОВ**
Пилла ва ипак маҳсулотлари сифати ва рақобатбардорлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари
- 37 **Г.АБДУЛЛАЕВА, З.МУХТОРОВА**
Мойли экинлар етиштиришда инновацион ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўналишлари
- 40 **Т.ОСТОНАҚУЛОВ, О.АЛИМАРДОНОВ**
Картошкани турли қатор ораликлари ва парваришлаш тадбирларида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги
- 43 **А.АБДУЛЛОЕВ**
Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг меъриий-ҳуқуқий асослари
- 46 **Э.МУҚИМОВ, Ш.МАЙНИСОВА**
Аграр соҳада ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда сервис хизматларининг аҳамияти
- 49 **И.ХАБИБУЛЛАЕВ, В.УТАНОВ**
Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизими
- 54 **Н.АСҚАРОВ, Н.ЖЎРАЕВА**
Дунёда саноат туризмнинг ривожини ва уни ипакчилик соҳасига тадбиқ этиш
- 57 **И.ЮНУСОВ**
Балиқчилик тармоғи ва аквакультуранинг ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари
- 61 **А.DURMANOV**
The greenhouse farming experience of the world countries
- 64 **Д.ХУСАНОВ**
Аграр соҳа тармоқларида инвестицион фаоллик
- 69 **В.ШАФКАРОВ**
Ўзум етиштириш ва уни қайта ишлаш самарадорлиги
- 73 **Ғ.ДУСМУРАТОВ**
Давлат-хусусий шерикчилигининг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини оширишдаги роли ва асосий йўналишлари
- 78 **Ш.МУРАДОВ**
Мева-сабзавотчиликдаги кластерларни ривожлантириш амалиёти ва тажрибалари
- 82 **А.МУХТОРОВ, И.ЮНУСОВ, У.САДУЛЛАЕВ**
Балиқчилик тармоғининг озуқа базасини ривожлантириш
- 87 **У.САДУЛЛАЕВ**
Чорвачилик хўжаликларининг хизматлар бозоридаги танлов эркинлиги даражасини баҳолаш
- 90 **Б.ҚУВАКОВ**
Сравнительная оценка сортов хлопчатника вида G.HIRSUTUM L. в условиях Хорезмской области
- 94 **К.ИСАБАЕВ, Б.МАТЯКУБОВ**
Вўзани сўғоришда сувнинг маҳсулдорлигини баҳолаш

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКДАГИ КЛАСТЕРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ ВА ТАЖРИБАЛАРИ

Шерзодбек МУРОДОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақола Наманган вилоятидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ кооперацион муносабатлардаги мавжуд муаммолар, ҳудуддаги кластер тузилмалари ва улардаги мавжуд муаммоларга бағишланган. Наманган вилоятидаги кооперативлар, кластерлар фаолияти ва уларнинг ривожланиш динамикаси, амалга оширилаётган лойиҳалари таҳлил қилинган.

Аннотация: В данной статье освещены проблемы, существующие в кооперационных отношениях по переработке и реализации плодоовощной продукции, структуре регионального кластера Наманганской области. Проанализированы деятельность кластеров Наманганской области, динамика развития, осуществляемые проекты.

Abstract: This article is devoted to problems originated to cooperative relations of refinement and sale of vegetables and fruit in Namangan, negative influence of different factors effecting on formation of cooperative enterprises in region. In this article also were analyzed present condition of cooperatives' activity and their share in production, meaning and share of foreign cooperatives in world's community.

Қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги кооперацион ва интеграцион муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, мамлакатнинг озиқ-овқат захирасини ошириш, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришда меҳнат сарфини ва воситаларини камайтириш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишидаги муҳим аҳамиятга эга қиррасидир. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётимизнинг кооперация тизимидаги вужудга келган мураккаб вазият ишлаб чиқаришни янада самарали олиб бориш заруратини талаб этади [1].

Бунда ҳукуматимиз асосий мақсадларидан бўлган аҳоли турмуш даражасини ошириш заруриятини, мамлакатимиз ривожланишидаги стратегияларни инобатга олган ҳолда амалга ошириш керак бўлади.

Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш маркази директори (Ўзбекистон) Юлий Юсуповнинг фикрича, минтақавий кооперация рақобатбардошликни оширишнинг таъсирчан дастаги бўлиши мумкин. У Марказий Осиё минтақаси ва халқаро бозорларга йўналтирилган юзлаб йирик компаниялар бунёд этиш анча фойдали бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик минтақавий кластерлар – корхоналар кооперациясининг энг самарали, замонавий шаклини бунёд этиш учун имкониятлар очади. Ўз навбатида минтақа корхоналари рақобатбардошлигининг ошиши уларнинг жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиради. Минтақавий кооперация ва ҳамкорликнинг шакллари минтақавий инвестиция лойиҳалари, кооперация –

ишлаб чиқариш, бозор, инфратузилма кооперацияси бўлиши мумкин. Аммо, баъзи мутасаддилар минтақавий кооперация ғоясига ишонмай қарамоқдалар, минтақавий савдони ривожлантиришга мамлакатлар ўртасидаги икки тарафлама битим самаралироқ имкон яратади, деган фикр айтишмоқда [5].

Агросаноат ишлаб чиқаришининг ҳозирги ҳолати шунини кўрсатадики, республикада кооперациянинг имкониятлари ва устунликлари ҳали ҳануз тўлиқ намоён бўлмапти. Кўпинча республикада ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кооперация муносабатларининг ўрни ва аҳамиятига етарлича баҳо берилмапти. Иқтисодчи олимларимизнинг илмий изланишларида кластерларга кўп эътибор берилгани, амалда маълум умумлашган тажрибаларга қарамасдан, интеграция муносабатларнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос равишда кўп аспекти яхши ўрганилмаган ва бозор инфраструктурасининг самарали шаклланиши учун ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар ва кластер шаклидаги хўжалик юритишни янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Мева-сабзавотчилик соҳасида кластерлар тизимини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш зарурати сезилмоқда.

Наманган вилоятидаги 2018 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш йўналишида амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларни кўрадиган бўлсак, вилоятда мева-сабзавотчилик соҳасидаги кластерларнинг ҳозирги кунда динамикасида ўсиш яққол кўриниб

Калит сўзлар: агросаноат мажмуаси, кластер, ишлаб чиқариш жараёнлари, қишлоқ хўжалиғи кооперацияси, кредит кооперацияси, мамлакат кооперацияси, ишлаб чиқарувчилар, кооператив тузилмалар, интеграцияланган тузилмалар

турибди. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сонли "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилоят ҳокимининг 2018 йил 3 апрелдаги 241-сонли қарори билан Тўрақўрғон туманида "Драйд ингредиентс" МЧЖ, Учқўрғон туманида "Муҳаммадали ҳамкор бизнес" МЧЖ, Чортоқ туманидаги "Red bean agro" МЧЖ ва Янгикўрғон туманидаги "Gold valley eksport" МЧЖ, ва "Yangliqo'rg'on fruits eksport" МЧЖларнинг мева-сабзавот кластерларини ташкил этилди. Бундан ташқари Мухтарам Президентимиз вилоятда жорий йил 2-3 май кунлари ташрифлари давомида берган топшириқларига биноан Чуст туманидаги "Барака мева саноат сервис" МЧЖда ҳам кластер усулида иш олиб борилмоқда.

Дастурга асосан кластерларга кўчат етиштириш, иссиқхона ва логистика марказларини (музлатгич, омборхона, қайта ишлаш, инфраструктура бинолари) қуриш, интенсив боғ ташкил этиш учун ер ажратиш, мева сабзавотчилик кластерлари томонидан ташқи ва ички бозорлар талабини ўрганиш, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда истеъмолчилар билан кластерлар ўртасида шартномалар тузиш белгиланган.

Бундан ташқари, жорий йилда кластер ташкил этувчилар билан мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида контрактация шартномалари тузиш, кластер ташкил этувчиларга экин экиш учун ер майдонлари ажратиш, кластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликларида экинларни жойлаштириш, маҳсулот ҳажми, тури ва навларини белгилаш, тузилган шартномага асосан кластер томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига уруғлик, кўчат етказиб бериш (аванс маблағлари ҳисобидан), кластерлар томонидан белгиланган миқдорда уруғлик ва кўчат захираларини яратиш каби вазифалар белгилаб олинди.

Вилоятда 2018 йил учун амалга оширилган чора-тадбирлар дастурига асосан мева-сабзавот маҳсулотлари барча тоифадаги хўжаликларда 107 958 гектар майдонда шундан, 7 876 гектар асосий, 17 568 гектар боғ-ток қатор орасида, 21 509 гектар боғларда, 13 336 гектар токзорлар ва 69 660 гектар такрорий майдонларда экиш ва бу майдонлардан 1 358 381 тонна мева, узум, сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа маҳсулотлар, бошоқли дон экинларидан бўшган майдонларга такрорий экинлар экиб 646 649 тонна сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа экинлар етиштириш йўлга қўйилган.

Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 128 500 тоннаси қайта ишлашга, 99 500 тоннаси экспортга ҳамда 37 634 тоннаси Тошкент шаҳри ва бошқа жойларда ташкил қилинадиган ярмаркаларга, қолган 1 002 415 тонна маҳсулотлар ички истеъмол ва бюджет ташкилотларига етказиб берилди.

Вилоятда ушбу ташкил этилган 6 та кластер МЧЖлар томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Учқўрғон туманида

"Муҳаммадали ҳамкор бизнес" МЧЖ томонидан 510 гектар майдондан 365 гектар майдонга памидор экинни уруғ ва кўчат ҳолатида экилиб парвариш қилинмоқда, қолган 145 гектар майдонга тез кунларда экиб якунланади. Ушбу МЧЖ томонидан 2018 йилда 4 млн. долларлик 6 минг тонна томат паста экспорт қилиниши белгиланган.

Янгикўрғон туманида "Gold valley eksport" МЧЖ мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш (қуриштиш), сок усулида шарбатларини олиш ва экспорт қилиш билан занжирсимон усулида фаолиятини ўз ичига олади. Жорий йил 200 гектар интенсив боғ ташкил этиш режалаштирилди. 2018 йилда ушбу МЧЖ 5 минг 100 тонна 4 млн 362 минг доллар миқдорда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш белгиланган.

"Yangliqo'rg'on fruits eksport" МЧЖ 2018 йилда 300 гектар майдонга замонавий интенсив боғ ташкил қилинган.

2018 йил ҳосили учун "Yangliqo'rg'on fruits eksport" МЧЖ томонидан Янгикўрғон туманидаги боғдорчилик йўналишидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни шартнома асосида олиб 6 минг тонна 3 млн долларлик экспорт қилиш кўзда тутилган.

"Red bean agro" МЧЖ 2018 йилда 500 гектар майдонга дуккакли экинлар экиш режалаштирилиб бугунги кунда тўлиқ майдонларга экиш ишлари якунланиб экинлар парвариш қилинмоқда. "Red bean agro" МЧЖ томонидан жорий йилга жами 5 млн долларлик 8 минг тонна дуккакли экин маҳсулотларини экспортга йўналтириш белгиланди [3].

Агросаноат мажмуидаги кооператив бирлашмалар ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш, харажатларни қисқартириш, сотишни кафолатлаш, ишлаб чиқарувчиларга моддий ҳимояни тақдим этиш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги кооперацияси етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш, қайта ишлаш, сотиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий ва моддий-техник таъминлаш имконини беради. Бу орқали аграр соҳадаги барча жараёнларнинг самарали ишлашини тезкор тарзда тартибга солишда кўмаклашади.

Натижада бозорда турли мулкчилик шакллариининг ижудга келиши ва рақобатчилик муҳитини туғдиради. Бунда кластер аъзолари учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва иқтисодий афзалликлар бошқа турдаги хўжалик юритиш шакллариини бозордан сиқиб чиқаради. Бошқа турдаги хўжалик юритиш шаклларииндан кўра кластерларнинг бозордаги монопол ҳокимлиги асло мумкин эмас.

Кейинги йилларда Наманган вилоятида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналари сони қарийб икки баробарга ошди ва 2017 йилга келиб мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳиссаси 20%га ошди, бу кўрсаткичга экин майдонларининг 25%и ҳисобига эришилди.

Аммо, қишлоқ хўжалик маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш ва кредит билан таъминлашни мақсад қилган қишлоқ хўжалиги матлубот кооперативлари ишлаб

чиқариш кооперативлари ва кластерлардан фарқли ўлароқ ҳали дастлабки шаклланиш босқичидадир. Матлубот кооперативлари ҳозирги кунда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариши кўзда тутилган: аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан, бошқа турдаги майда маҳсулот ишлаб

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва қайта ишлаш корхоналарининг монопол вазияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларда иқтисодий манфаат олиш йўлида самарали фаолият юритишда тўсқинлик қилмоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва қайта

1-жадвал. Наманган вилоятида мева-сабзавотчилик йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар

Лойиҳа ташабулкор	Фаолият тури	Лойиҳа қуввати		Талаб этиладиган маблағ, (млн. сўм)				Иш ўрни (нафар)
		ўлчов бирлик	режа	жами	ўз маблағи	банк кредит	хорижий инвестиция	
"Сахий Шоэс" ХК	Боғдорчилик	гектар	86	10000	5000	5000		20
Хўжанд обод дieri	Боғдорчилик	тонна	500	22000	14000	8000		100
Голд фреш фруитс МЧЖ	Мева-сабзавотни етиштириш, қайта ишлаш, саклаш ва экспорт қилиш	Тонна	40000	541200	120000	369200	52000	240
Draid ingredients МЧЖ	Кластер усулидаги сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш	Тонна	10000	4600	4600	-	-	100
"Учкўрган цитрус" ф/х	Сабзавот маҳсулотлар етиштириш	Гектар	7	7000	7000	-	-	35
Тургунбой Журабой Мунаввар ф/х	Иссиқхона ташкил этиш	Гектар	1,0	4920,0	820,0	4100,0	-	10
Барака мева саноат сервис МЧЖ	картошка уруғ етиштириш, помидор	гектар	5	16500	16500	-	-	20
Шохрух Олмос Ахча ф/х	помидор, бодринг	гектар	5	20000	20000	-	-	20

чиқарувчилардан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хариди; қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига хизматлар кўрсатиш; уларни зарур буюмлар билан таъминлаш; харид қилинган маҳсулотларни қайта ишлаш ва қишлоқ аҳолисига харид қиланган маҳсулотлар учун пул маблағларини қайтариш. Шу каби тадбирлар орқали янги иш жойларини яратиш, қишлоқ аҳолиси учун қўшимча даромад келтириш ва ишсизлик даражасини пасайтириш.

Агросаноат ишлаб чиқаришида бозор муносабатларини самарали ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бу тизимда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш кластер корхоналарини ташкил этиш билан бир қаторда харид-маиший кластерларини йўлга қўйиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса ҳозирги кунда сотиш кластер(кооператив)ларининг ташкил этилиши долзарб ҳисобланади, айниқса давлатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид тизими ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган шароитда. Лекин амалда очик ва ёпиқ турдаги

ишлаш кластерларини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда. Бу каби кластерлар ҳудудий миқёсда бирлашиб, қишлоқ хўжалигининг маълум маҳсулот турларининг хариди ва қайта ишловчи кооперативлар тизимини вужудга келтириши мумкин (масалан мева-сабзавотлар, гўшт, сут маҳсулотлари). Ундан ташқари ҳудудий миқёсдаги ихтисослашган харид ва қайта ишловчи кластерлар тизими нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хариди ва қайта ишлаш жараёнларини, балки товар ишлаб чиқарувчиларни тегишли маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган техника ва технологиялар билан таъминлаш жараёнларини ҳам бажаради. Бунга қарамадан қишлоқ хўжалигида кооперацион муносабатлар ҳали ҳанузгача етарли ривожланмапти, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш учун кўрсатилаётган корхоналарнинг хизматлари улуши жуда паст. Наманган вилоятида айни вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар иштирокида 20 га яқин қайта ишлаш кооперативлари мавжуд бўлиб, уларни ичида сотиш ёки кредит кооперативлари умуман мавжуд эмас. Бу ҳолат ҳудудда сотиш кластерларини вужудга келтириш заруратини намоён

қилади [4].

Маҳсулот етиштирувчилар иштирокидаги сотишга ихтисослаштирилган кооперативлар ёки кластерларга ўхшаган тузилмалар ҳали ҳануз оммалашмаган. 2016 йилда Наманган вилоятининг 11 туманидан 7 та туманида қайта ишлаш кооперативлари фаоллиги олиб борган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Янгиқўрғон, Ўйчи, Чортоқ, Тўрақўрғон, Косонсой, Чуст ва Наманган туманларида тўғри келади. Уларнинг фаоллиги асосан мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, бирламчи қадоқлаш ёки ярим тайёр маҳсулот тайёрлаш ишлари билан боғлиқдир [5].

Молия-кредит тизимидаги барқарорсизлик ва кредит бериш фоиз ставкаларининг баландлиги шароитида қишлоқ хўжалигида турли кластерларни, кооперативларни, жумаладан, сотиш, кредит ва матлубот кооперативларини ташкил этиш долзарб ва ўта муҳимдир. Чунончи Европадаги кўпгина мамлакатларда кредит ва сотиш кооперативлари, кластер шакллари кенг ривожланган. Масалан, Нидерландияда кооператив банкларининг ҳиссасига 40% дан ортиқ қишлоқ хўжалик кредитлари тўғри келади, Германияда 44% дан ортиқ қишлоқ аҳолисининг жамғарма омонатлари кредит кооперативларида жамланган [2].

Бироқ, ҳозирча қишлоқ хўжалигида сотиш, кредит ва матлубот кооперация муносабатлари ҳали ҳануз етарли ривожланмапти, маҳсулотларнинг қишлоқ хўжалик кооперативлари томонидан сотишдаги ҳиссаси эса камлигича қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг интеграциялашув жараёнидаги иштирокининг паст кўрсаткичлари мамлакат иқтисодиётининг умумий инқирозли жараёни, паст самарали молия-кредит сиёсати, давлат кўмагининг етарли эмаслиги, қишлоқ хўжалиги кооперацияси ҳуқуқий ва меъёрий базасининг етарли эмаслиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг кооперация жараёнига етарлича баҳо бермаслиги ва интеграцион жараёнларнинг суст кетиши билан ифодаланади [3].

Демак, интеграция муносабатлари нафақат иштирокчилар, балки маҳсулот ишлаб чиқарувчи турли хўжалик шаклларига фойда олиш ва улар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш имконини беради. Айнан шу

хусусият, ҳуқуқлари чекланган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчиларни вертикал интеграциялашган тузилмалардан; агрохолдинглар, агрофирмалар, молия-агросаноат бирлашмалар, агрокомбинатлардан фарқ қилувчи ва аҳамиятли афзалликларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, бизнингча истиқболда боғдорчиликка ихтисослашган кластерларни ривожлантиришда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларини замонавий муносабатларга жалб этиш, улар учун қулай рақобат муҳитини яратиш, етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш корхоналари томонидан харид қилиш ва маҳсулот етиштирувчиларни қулай нархларда зарур ресурслар билан таъминлаш.

2. Барча вилоятларнинг қишлоқ хўжалиги кластерларини ривожлантириш Давлат дастурларида фаол иштирок этиш ва амалга ошириш.

3. Республика АСМ кадрлар салоҳиятини ошириш. Бунда АСМ нинг барча соҳа ва тармоқларининг кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.

4. Вертикал ва горизонтал кооперацияни ривожлантириш – бу мева-сабзавотчилик тармоғи самарадорлигини оширувчи омилдир.

5. Инновацияларни жорий қилиш. Бу ҳам мева-сабзавотчиликни барқарор ривожлантиришнинг муҳим жиҳатидир. ИТИ ва ИИМлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига таълим, ахборот ва консултация кўмак бериш.

Шундай қилиб, турли кооперацион шаклларнинг янада юқори бўлган кластер усули, ишлаб чиқариш концентрациясини таъминловчи рационал муносабатлар, қайта ишлаш, маҳсулотларни сотиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Рақобатбардор афзалликлар мамлакат иқтисодиётининг аграр секторида турли ҳудудлар миқёсида шаклланади ва ўз ҳудудидаги иқтисодий ривожланишни таъминлайди. Ушбу мақсадларга эриши учун, эркин бозор тамойилларини қўллаш ва ҳудудлар салоҳиятини комплекс ривожланишига ўтиш асосидаги янги шакллар ва усулларни ҳудудлар миқёсида қўллаш зарурдир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Тарасов Н., Володин В. Объединение сельскохозяйственных производственных кооперативов // АПК: экономика, управление. – 2008. – №4. – С. 57-64.
2. Вахитов К.И. Кооперация. Теория, история, практика. – М.: Дашков и Ко, 2010. – С. 558.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5388-сонли Фармони.
3. Наманган вилоят ҳокимининг 2018 йил 3 апрелдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган кластерларни Наманган вилоятида жорий қилиш тўғрисида"ги 241-сонли қарори.
4. Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2017-2018 йиллар ҳисоботи.
5. Газета.uz расмий сайтининг маълумоти.